

Кечаги кирган савдогарлардан кудаларнинг бу кун аник кириш хабарларини билган эдилар. Нарирокдан кузатиб кириш учун Хасанали йўл устига кеткан, Юсуфбек хожи-нинг ўзи иш бошида туриб, Ойбодокка ташкари хавлини тозалатар эди. Ичкарида бўлса, Ўзбек ойим кўшни хотинлардан бир нечасини хашарга айтиб, хаммани жой-жойига кўйдирган, хавли юзини ҳам ёғ тушса ялагундек холга келтурган эди. Аммо ўз уйини бўшатдириб, гилам солиб кўйганига энди уч кунлаб бор, кудаларнинг зиё-фати учун керак бўлган хамма нарсаларни ҳам хозирлаткан, улар келиб тушди дегунча, бўғизлатиш учун, деб бир гўнон кўйни огилнинг устунига кантаттириб кўйган эди. Кумуш билан Зайнабка аталиб олинган хон атласларга кўнгли тўлмай «хар нучукда теги нозик, бу бўлса энди кўп кийди, атласнинг ёнига яна бир хитойи латта олингиз», деб маргилонликнинг кўйнагини бир кўша килдирган, битта хитой жужим мурсакни кам кўриб, ёнига ўзининг киймат бахо заррин мурсагини ва иккита рўймолга ҳам коникмай, ўзининг келинлигидан ўролмай колган калмоки саллачасини кўшкан эди. Зайнаб ҳам унча хафа кўринмас, кайин онасининг буйрукларини эски холича бажариб юрар ва хозирда уйга кириб олиб меҳмонлар келиб тушди дегунча, олдиларига ёзиш учун дастурхон ясатар эди.

Ўзбек ойим хашарчи хотиндан бирига тандирга ўт кўйишни буюрди-да, ўзи Зайнабнинг олдига келди:

— Дастурхонинг битдими, болам? — деб сўради.

— Битди. Ташкарининг асали камга ўхшайдир.

— Кам бўлса, даррав омбордан керагича олиб чик, ундан кейин хамирингга ўзинг кара, Ойбодокнинг кўли тегмас, хамир гуп бериб кетибди, — деди ва даричадан кўтарилиб дастурхонларни кузатди, — дастурхонинг тузик, варакини эсингдан чикарма, — деди ва ўрта йўлакда кўринган Юсуфбек хожини ўзига имлади. — Бери келинг.

Юсуфбек хожи бошида ок тўпписи ва эгнида ок олача тўни билан устидан белини болаган эди. Ўзбек ойим ёнига секин-секин юриб келди:

— Нима гап?

— Дастурхонларимизга бир караб кўйинг-чи?

Хожи парвосизгина килиб караган бўлди:

— Ўзингга ёкса бўпти, — деди.

— Кассоб айтканмисиз, тагин улар келгандан сўнг шошиб колмайлик.

— Кассоб тайёр, хозир бўғизлатсак бўлмайдими?

— Йўк, — деди Ўзбек ойим, — ош эгаси билан ширин. Ха, айткандек, кудангизникига юборган кишингиз келдими?

Асал учун шошиб борган Зайнаб тўхтаб кайин отасининг огзига каради.

— Бориб келди, — деди хожи, — Алимбек даласига кеткан экан, хотин кудалар келишмакчи бўлишибдир.

Зайнаб асалга кетди. Хожи Ўзбек ойимнинг ёнига юриб келди ва секин сўради:

— Зайнаб хафа эмасми?

— Нимага хафа бўлар эди.

— Ахир, сўрайман-да.

— Туппа-тузик, — деди Ўзбек ойим, — ташкарин-гиздан Ойбодок кутилаёздими?

— Кутилиб колди. Махалладан ҳам уч-тўртта киши айтдим, ошни кўпрок килиш керак.

— Хўб.

Хожи уён-буёнга аланглаб олгандан кейин сўради:

— Ўглинг каёгда, кўринмайдими?

— Ташкарида эди-ку.

— Боя шуёкка киргандек бўлган эди.

— Гузар-пузарга чикгандир, — деди Ўзбек ойим.

Ойбодок ташкарини йигиштириб кирди. Хожи меҳ-монхонага чикиб кетди. Ўзбек ойимнинг амрича Ойбодок, Зайнаб ва хашарчи хотинлар кулча яшашга ўлтурдилар.

Кун тушдан оғанда хамма саранжом олинган эди. Ўзбек ойим тўйга борадирган хотинлардек ясанган, эғнида одими хон атлас кўйнак, бошида ок шохи дакана, кўзида сурма эди. Ўзбек ойимнинг: «Келинни хор тутар экан демасинлар, сен хам ўзингни тузат», деб айткани учун Зайнаб хам тамом ипакларга кўмилиб ясанган, кеча эрга теккан янги келинлар суратига кирган эди.

Зайнабнинг онаси — Мохира ойим, онаси — Хуш-рўйбиби ва янғаси Ханифанисолар хам келишдилар. Ўзбек ойимнинг кўнгил тортар кўшниларида Карима отин, Шарофат чевар ва Махинабонулар хам ясаниб-тусаниб чикдилар. Ўн чоғлик хотин бўлишиб совутмачок дастурхонга ўлтуришдилар. Ўзбек ойим мажлиска — маргилонлик куданинг одамгарчиликни билишидан, Ота-бекни Тошканддан уйлантиришга қарши лом-мим демай, қайтага ўзи куяви билан бирга келиб, тўйни ўтказиб кетканидан, маргилондаги обрўсидан ва давлатидан бахс килиб айтар эди:

— Бечоранинг бори-йўғи пешонасидаги боласи шу бизнинг келинимиз. Отабекни ўз боласидан хам яхши кўриб, «Ўғлим бўлса шундоғ бўлар эди-да, мендан кейин хамма давлатим шуники, илоҳи омон бўлсин», дер экан.

Мохира ойим алланучкалангани холатда жавоб берар эди:

— Ха, айланай куда, қарс икки кўлдан чиқадир, де-ганлар... Бузок яхши бўлса, икки онани хам эмар экан...

Куёшнинг киздиришидан чанги чикиб кеткан хавлига сув сепиб турган Ойбодок ташкаридаги гулдир-гулдирни эшитди ва чоғиб меҳмонлар ўлтурган уйнинг даричаси ёнига келди: «Келишканга ўхшайдирлар», деди. Ўзбек ойим гапириб турган сўзини ярим йўлда колдириб, ўрнидан турди ва меҳмонлар хам унга эргашдилар. Зайнаб бўзарган холатда уйига югуриб кетди. Ўзбек ойим бошлик хотинлар хавли юзасига тушдилар. Мохира ойим кизи Хушрўйнинг кулогига нимадир шивирлаб кулиб кўйди. Ўзбек ойим ўрта эшикка бориб етмаган хам эди, нариги ёқдан кўшнининг боласи югириб кириб колди.

— Сўйинчи беринг, бек буви, кеннойим келдила!

Ўзбек ойим чўнчагига кўлини солиб беш-ўн пул олиб берди. Бола орқасидан Хасанали кўринди:

— Кани ойи, кўрманани беринг-чи, мен сизнинг кочкок келинингизни тутиб келдим! — деди ва йўлакка қараб: — Тўхтанг, тўхтанг, илғари мен сўйинчимни ундириб олай.

Йўлакдан Офтоб ойим кўринди. Паранжиси бошида, чашманди кўлида эди. Хасанали Ўзбек ойим билан танишдирди:

— Бу киши кудачангиз — Офтоб ойим бўладирлар.

Ўзбек ойим Офтоб ойим билан саломлашиб кучок-лаша кетдилар. Ўзбек ойимдан кейин бошка хотинлар унинг билан кўришиб чикдилар. Хаммининг кўзи алонг-жалонг келди.

Кумушни ахтаришар эдилар. Кумуш хали ичкарига кирган эмас. Ўзбек ойимнинг икки кўзи йўлакда, Хасанали бир йўлакка ва бир Ўзбек ойимга қараб нима учундир кўзини қисиб кўяр эди.

Хотинлар билан кўришиб четда турган Офтоб ойим кудаси ёнига келди: «Уялиб

тургандир» деб кулди. Ўзбек ойим кулимсираб йўлак томонга:

— Хой, поша келин! — деди, — бизлар кутиб колдик-а, уялманг болам! Хасаналининг кўрманаси бўлса тайёр!

Хасанали йўлакка караб имлади. Кип-кизарган холда Кумуш кўринди: паранжиси кўлида, кора атлас кўйнак эгнида, зангор латта мурсак устида, ок шохи рўймол бошида эди.

Шахло кўзлари кулимсирашка якин холда уятлик эдилар.

Хасанали танитди:

— Мана бу киши кайин онангиз — бек ойим бўладирлар.

Кумуш салом берди ва кўлидаги паранжисини ерга ташлади, югириб келиб ўзини Ўзбек ойимнинг кучо-гига олди. Ўзбек ойим ҳам уни махкам сиқиб кучоклаб олган, юзидан шап-шап ўпиб айланиб, ўргулар ва тикилиб-тикилиб нима учундир йиглар эди... Кутиб турган хотинлар, Мохира ойим, Хушрўй ва Ханифалар Кумушни кўрган он бир-бирларига карашиб лабларини тишлашдилар...

Кайин она-келин бир дакика чамаси кўришиб колдилар. Сўнгра Кумуш бошқалар билан бир-бир кўри-шиб чиқди. Ўзбек ойим хар бир хотинни ким бўлганини унга танитиб борди. Энг кейин оркадан Зайнаб кўринди. Чунки ул уйдан энди чиқиб келган эди. Ўзбек ойим кулиб Кумушка каради.

— Кани, ўзинг тани-чи, ким экан бу?

Кумуш хайрон бўлиб колмади... Ипаклар ичига гарк бўлган Зайнабка караб олиб, унга томон адим ташлади:

— Зайнаб опам! — деди. Зайнаб ҳам кулимсираган холда Кумушка якинлашиб келди...

Икки кундаш «есонмисиз, омонмисиз, эсон-омон юрибсизми...» сўз-лари билан озорсиз килиб бир-бирининг елкасига ва кўлтик остига кўл юборишдилар. Улар кўришиб турганда йўлакдан Юсуфбек хожи кўришиб, кочадирган хотинлар ўзларини четка олдилар. Хожи уларнинг олдига — юзага чикгач, Офтоб ойим салом бериб рўймоли билан томог остларини ўраб олди. Хожи кудачаси билан сўрашиб:

— Баракалла, синглим! Хайтовур чарчамай келдинг-ларми, мен сизларни овора килдимов, — деб узр айтиб кулган ва уялиб борган кудачасига енгиллик берган бўлди.

— Кани, бек отаси, кўрманани беринг-чи! — деди Ўзбек ойим Кумушни имлаб.

Кумуш уялиб зўргагина салом берди ва Юсуфбек хожининг яқинига келиб бўйин эгди. Хожи кўли билан Кумушнинг елкасига қоқиб суйди ва Кумушнинг манглайига тегизиб олган ўз кўлини ўпди:

— Бизнинг Маргилонда ҳам шундай келинимиз бор экан-ку, биз билмай юрган эканмиз-да, — деб теварагига караб кулинди ва кўлини дуога очди. — Бизни шунчалик сийлаб келибсизлар, бу яхшиликларингиз биздан кайтмаса, худодан кайтсин. Оллох таоло ёшларга тинч ва баракатлик умр берсин. Илохим, такаббул дуо...

Хамма дуога юз сийпашдилар. Сўнгра Юсуфбек хожи Кумуш билан Зайнабка каради:

— Мен сизларнинг кўришиб турганларингизни кўриб жуда кувондим, — деди. — Мундан сўнг ҳам шу йўсунда бир-бирларингизга эгачи-сингилдек бўлмок-ларингизни тилайман, — деди ва Ўзбек ойимга:

— Кани, мехмонларни ичкарига олинглар, — деб ўзи ташқарига бурилди.